

**ИНГЛИЗ ТИЛИДА АНИҚЛИК МАЗМУНИДАГИ МОДАЛ
СЎЗЛАРНИНГ ПРАГМАТИК ВАЗИФАЛАРИ ВА ГАҲДА
ЖОЙЛАШИШ ТАРТИБИ**

Холматова Вазира Нарзуллаевна

*(Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти “Хорижий тиллар”
кафедраси доценти, филология бўйича фалсафа фанлари (Phd)*

Аннотация: Аниқлик модал мазмуни констатив нутқий актларга definitely, exactly, precisely, never модал сўзлари ва феъл-кесимнинг замон шакли транспозицияси орқали киритилади.

Калит сўзлар: инглиз тили, definitely, exactly, precisely, never модал сўзлари.

Аннотация: Модальное содержание точности включается в констативные речевые акты через модальные слова определенно, точно, точно, никогда и транспозицию временной формы глагола.

Ключевые слова: английский, definitely, exactly, precisely, never модальные слова.

Abstract: The modal content of precision is included in constative speech acts through the modal words definitely, exactly, precisely, never and the transposition of the tense form of the verb.

Key words: English, definitely, exactly, precisely, never modal words.

1. Аниқлик мазмунидаги модал сўзлар

КИРИШ. Definitely модал сўзи, одатда, нутқий актнинг модаллик доирасига ишонч (Малявин, 1986: 109; Greenbaum, 1969: 203; Jacobson, 1978: 23) ёки ҳаққонийлик (Яковлева, 1983: 14) мазмуни киритувчи модал сўзлар гуруҳига кириб, уларни surely, certainly, of course модал сўзлари билан бир қаторга қўйиш учун замин яратади.

Аммо definitely модал сўзининг ўз маъносидан келиб чиққан ҳолда, ушбу сўзнинг модал мазмунини “аниқлик”, “қатъийлик” деб эътироф этсак

мақсадга мувофиқ бўлади назаримизда. Definitely сўзи таркибида “гумон, ишончсизлик ёки ноаниқликнинг мавжуд эмаслиги”, “шубҳасиз”, “аниқ” семаларининг мавжудлиги боис нутқий тузилма модаллик доирасига сўзловчининг прпозиция аниқлигига ишончи мазмунини киритади (Webster, p. 297).

АДАБИЁТЛАР ШАРХИ ВА МУХОКАМА. Exactly модал сўзи маъносида ходисаларнинг маълум даражада ёки бутунлай воқеликка мос келиши мазмуни (Webster, p. 397), precisely модал сўзида “равшанлик”, “аниқлик” (Webster, p. 905) семалари мавжудлиги боис нутқий тузилмага муқобил модал мазмун ҳосил қилади.

Таҳлил этилган мисоллар шуни кўрсатдики, definitely, exactly, precisely модал сўзларининг қўлланилиш ҳолатлари кўп эмас (0, 8%).

Аниқлик мазмунидаги модал сўзларнинг прагматик вазифалари

Мазкур қатъийлик операторлари қўйидагиларни ифодалаш учун хизмат қилади:

(1) адресат фикри билан розиликни ажратиб кўрсатиш:

- She understood that I had had an accident.
- She definitely did (le Carre, p. 422)
- I wouldn't like her to feel that.
- Exactly (Murdoch, The B. and B., p. 156)
- He's here on a business trip.
- Precisely (Gardner, p. 72)
- I like to serve you, sir and to obey you in all that is right.
- Precisely: I see you do (Bronte, p. 219);

(2) Адресат пресуппозицияси ҳаққонийлигининг қатъий тасдиқланиши:

- Is he a special friend of yours? Mason asked.
- Definitely (Gardner, p. 52)
- Then you're going to be married, sir?

- Precisely with your usual acuteness you have hit the nail straight on the head (Bronte, p. 252).

- You mean that luck turns?

- Exactly, Hastings (Christie, ABC, p. 128).

Definitely модал сўзидан сўзловчининг назарида ёлгон кўринган адресат пресуппозициясини катъиян рад этилишини ифодалаш учун фойдаланилади:

- Do you think I can persuade him not to go to Canada?

- No, I definitely don't (Bradford, p. 728);

катъий эътирозни ишодалаш учун:

- He is guilty.

- He definitely isn't (Cunningham, p. 32).

Exactly модал сўзи баҳо қийматини кучайтириш учун ишлатилади:

- You're not alone?

- Exactly (Donleavy, p. 214).

Аниқлик мазмунидаги модал сўзларнинг гапда жойлашиш тартиби

Definitely модал сўзи мураккаб кесимнинг асосий феълидан олдин жойлашиб, одатда, гапнинг ўртасидан ўрин олган бўлади:

I definitely don't like suppressing news (Bradford, p. 361)

And Ricardo is definitely dead, Mr. Smiley (le Carre, p. 93).

Exactly ва precisely модал сўзлари одатда нутқий тузилма аввалида жойлашади ёки мустақил коммуникатив бирлик сифатида фаолият олиб боради.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, definitely, exactly, precisely модал сўзларининг ишлатилиш ҳолатлари замонавий инглиз тилида кўп учрамайди. Таҳлил этилаётган мисоллар санаб ўтилган модал сўзларнинг бошқа прагматик мазмун бирликлари билан ўзаро муносабатдор бўлган ҳолатларни ажратиш имконини бермади, шунингдек, ушбу модал сўзларнинг дискурс доирасида ишлатилишига мисоллар учрамади. Аммо уларнинг ишлатилиши

бошқа қатъийлик операторлари бўйсунадиган қонуниятлар каби эканлигини таъкидлашга асослар мавжуд.

Узатилаётган ахборот аниқлигига сўзловчининг ишончи, шунингдек, қатъий тасдиқни ифода этиши мумкин бўлган *by all means* модал ибораси кўлланишида юзага келади (Nilsen, 1972: 157).

Адресат пресуппозициясининг кучайтирилган тасдиғи ҳолатлари ҳам кузатилиши мумкин:

- Want to come around and say hello?
- By all means (Suzann, p. 428)

ёки ажратиб кўрсатилган розилик ифодаси:

- Tell him that.
- By all means (Donleavy, p. 336).

Пропозиция аниқлиги, ҳаққонийлиги кучайтирилиши мумкин:

By all means he will come.

2. **Never** модал сўзи

Never ни одатда равиш деб ҳисоблашади ва модал сўзлар қаторига киритишмайди (Quirk, Greenbaum, Leech, Svartvick, 1982: 214).

Бизнинг назаримизда, *never* сўзи нутқий тузилманинг семантик таркибида қатъийликни ифодалашда муҳим ўринга эгаллигига асосланиб, маъносида “ҳеч қандай”, “ҳеч қачон” семаларининг мавжудлиги боис уни инкор белгили “аниқ” мазмунига эга модал сўзлар қаторига кўшсак, мақсадга мувофиқ бўлади (Webster, p. 773).

Юқорида қараб чиқилган нутқий тузилма модаллик доирасига сўзловчининг пропозиция аниқлигига ишончи модал мазмунини киритувчи модал бирликларидан *never* сўзининг фарқи унинг мазмунида инкор семасининг мавжуд эканлиги ҳисобланади.

Never модал сўзининг прагматик вазифаси унинг маълум бир ҳаракатнинг ўтмиш, бугун ва келажакда бажарилишини қатъиян инкор этишни ифодалаш учун хизматида намоён бўлади:

Constance never said a word about it (Sheldon, M. of the G., p. 163). I never drink on duty (Sheldon, M. of the G., p. 324). You'll never have a better chance than this (Maugham, 2, p. 14).

Шаклан ҳаракатни ўтган замонга боғловчи, яъни ўтган замон шаклидаги феъл-кесимдан олдин жойлашиб, never сўзи ҳаракатнинг амалга оширилмаслиги муддатини нутқий тузилма шакллантирилган пайтни ҳам ҳисобга олган ҳолда кенгайтириши мумкин:

I never understood your writing, Phillip (McCullers, p. 123). (I could not ever understand your writing and I can't understand it now).

Кўпчилик ҳолатларда never модал сўзи ўтган замонга таалуқли нутқий тузилмаларда қўлланилади (30%). Ушбу қатъийлик операторидан келаси замонга нисбаттан гумон ҳиссини йўқотиш ва адресатга ҳаракат ёки воқеа аниқ содир бўлмаслиги тўғрисида сўзловчининг ишончи ҳақида хабар бериш мақсадида фойдаланилади:

I give up. I'll never get through to her (Bradford, p. 117).

Ҳаракатнинг ўтмиш, бугун ва келажакда амалга оширилишининг қатъий рад этилишидан ташқари, never модал сўзи, шунингдек, бошқа бир қатор прагматик вазифаларни бажариши мумкин. Жумладан:

(1) Сўзловчининг назарида ёлғон кўринган адресат пресупозициясининг қатъий инкор этилишини ифодалаш:

"They had a quarrel at the lake?" Paula cut in. "Oh, no. He never even spoke to her (Bradford, p. 356).

Ўзбек тилида муқобил мазмун "ҳатто" кучайтирувчи юкламаси воситасида берилади: "Ҳатто, унинг билан ҳеч қачон гаплашмаган эди";

(2) адресат фикрига қатъиян норозиликнинг ифодаланиши:

- Let's hope he will forget Paula,

- He'll never let go of her (Bradford, p. 194);

(3) қатъий рад этишининг ифодаси:

- A bottle of Ginger Ale.

- I never liked it (Maugham, 2, p. 186).

- Every day after class the male students would gather around her, trying to make a date.

- I never mix pleasure with business, she told them (Sheldon, M. of the G., p. 225);

(4) ижобий эмфатик баҳони ифодалаш:

It's never been spelled better (Shaw, Network, p. 215);

шунингдек, салбий баҳо ифодаси:

You never were very devious, avaricious or venal, Edvina (Bradford, p. 112);

(5)карама-қарши қўйилган пропозицияларнинг бирини кучайтирилиши:

I heard of a Mr. Barnes of New York and I was told that he had written a book called The Mystery of a Hansom Cab. But I never read it (Maugham, 2, p. 147).

Never модал сўзининг нутқий тузилмада жойлашиш тартиби ҳам ўзига хос прагматик мазмун ифодасига таъсир кўрсатади. Бинобар, гапнинг бошланишида жойлашган never модал сўзи ҳаракат субъектини яширин ифодалайди:

- He's the most important man in this part of the country. Name of Salomon Van der Merwe...

- Never heard of him (Sheldon, M. of the G., p. 17).

Never had no talent that way (Wilder, p. 37).

Гапнинг ўртасида қўлланилишида never субъект ва предикат орасидан жой олган бўлиши мумкин (27, 9%):

Drake never broke a promise in his life (le Carre, p. 507).

Агар кесим мураккаб феъл шакли билан ифодаланган бўлса, одатда, never асосий феълдан олдин ўрин олади (54%):

I shall never do it myself (Maugham, 1, p. 422). I've never seen a Texas ranch (Shaldon, M. of the G., p. 257).

Ушбу қатъийликни оширувчи бирлик мавжуд бўлган констатив нутқий актнинг охирида яна бир бор never ишлатилиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Бу турдаги бимодал ифодаланиш қатъийликнинг ўта юқори даражасини билдиради:

I shall never be employed again never (Murdoch, The B. and B., p. 423).

Мустақил коммуникатив бирлик сифатида never қуйидагиларни ифодалаш қобилиятига эга:

(1) адресат пресуппозициясини қатъиян тасдиқлаш:

- You wouldn't want a girl to have dinner alone, would you?
- Never (Shaw, Byz, p. 22);

(2) сўзловчининг назарида ёлғон кўринган адресат пресуппозициясининг қатъиян рад этилиши:

- Haven't you seen her?
- Never (Cunningham, p. 72);

(3) ажратиб кўрсатилган эътироз:

- You said you'd do it for three reales.
- Never. You promised me four (Maugham, 1, p. 354);

(4) қатъий рад этилиш:

- Send him back to Starfield.
- Never, I said (Murdoch, Net, p. 162).

Never, шунингдек, ўзининг такроран қўлланилишида сўз-гап сифатида ишлатилиши мумкин:

My mother would never consider selling her stock in Sitex Oil. Never (Bradford, p. 496).

Нутқий тузилма доирасида never модал сўзи турли мазмунли нутқий тузилма прагматик маъносини ўзгартирувчилар билан ўзаро муносабатдор бўлиши мумкин.

(1) Бир мазмунли операторларнинг боғлиқлиги қатъийликнинг модал-коммуникатив ва бимодал ифодаланиши орқали намоён бўлади.

а) Модал сўз never ва коммуникатив бирликнинг нутқий тузилма доирасида ўзаро муносабатдорлиги ушбу нутқий тузилма прагматик мазмунининг модал-коммуникатив кучайишига олиб келади. Нутқий

тузилмада never модал сўзи билан бирга ишлатиладиган коммуникатив бирликлар сифатида қуйидагилар намоён бўлади:

- look, listen каби эътиборни тортиш учун хизмат қилувчи ишоралар:

Now, look, Paula, he's never going to be suspicious of me (Bradford, p. 767);

- you see, you know, you hear предикатив комплекслари:

I could never get much out of Madge about her, you know (Murdoch, Net, p. 71);

- сўроқ шакли орқали ифодаланган констатив нутқий актлар:

You're never stuck for an answer, are you? (Sheldon, Windmill, p. 203);

- swear, promise каби келаси замонга таалуқли диктум билан мос келувчи перформатив феъллар:

I swear I will never go to another fight (Cunningham, p. 101);

I promise you on my word of honour that I'll never repeat it to a living soul (Maugham, 2, p. 78).

б) қатъийликнинг бимодал мослашмаган ифодаси констатив нутқий акт доирасида never модал сўзи ва қўйида келтирилганларни қўллаганда намоён бўлади:

-“ ҳақиқатдан ҳам” мазмунидаги модал сўз:

I never drank wine. In fact I never drank anything (Sheldon, Windmill, p. 211); I've never really found the want of it (Maugham, 2, p. 266);

- нутқий тузилмага ҳаққонийлик модал мазмунини киритувчи do эмфатик феъли:

I don't know what happened to him, Mr. Mason. He never did show up (Gardner, p. 71);

- ишонч мазмунидаги модал сўз ёки предикатив модус ифодаси:

I'm sure I never felt better (Bradford, p. 185); Of course I never thought anything would come of it (Maughamp, 2, p. 168);

- нутқий тузилмага пропозициянинг ҳаққонийлигига сўзловчининг ишончи мазмунини киритадиган маълумлик мазмунидаги модал сўз:

Obviously she's never seen the lady (Shaw, Nightwork, p. 163); Apparently it never occurred to him that she might have been unfaithful to him (Maugham, 2, p. 171).

Бимодал мослашган кучайтириш ўзгартирилган замон формаси билан never модал сўзини қўллаш орқали амалга оширилади: Present Continuous келажакдаги ҳаракатни ифодалаш учун фаоллашади:

I am never going back of course (McCullers, p. 78).

Of course модал сўзи ушбу ўринда адресат пресуппозицияси ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун хизмат қилади.

2) Турли мазмундаги иккита бирликларнинг ўзаро муносабатдорлиги нутқий тузилма доирасида қатъийликни кучайтирувчи never модал сўзи ва констатив нутқий актига субъектив фикр характерини берувчи операторнинг мавжуд бўлишида намоён бўлади:

In my opinion, Shane o'Neill will never love anyone but Paula (Bradford, p. 195), ёки адресатга салбий таъсирни пасайтириш учун хизмат қилувчи :

- My niece, Miss Porchester, prefers the novels of Mr. William Black.

- I'm afraid, I've never read any (Maugham, 2, p. 298).

Констатив нутқий акт қатъийлигини кучайтирувчи бошқа модал бирликлар каби never модал сўзини ҳам умумий мулоқот мақсади акс топган дискурс доирасида қўлланилишини кузатиш имконига эгамиз. Мазкур ҳолатда қуйидагиларни кузатиш мумкин:

(1) поғонали кучайиш:

- Is she really going away?

- I don't know, said Hugo. I really don't know what she plans to do. She's like the weather. One simply never knows with Sadie (Murdoch, Net, p. 226).

Поғонали кучайтириш нафақат really ва never нинг ишлатилиши ҳисобига, балки I- One каби субъектнинг ўзгариши орқали ҳам амалга

ошириладиган I don't know – I really don't know – One never knows оппозициясига асосланган.

(2) оператор бир неча маротаба дискурс доирасида ишлатиладиган такрорий кучайтириш:

Never had he called me more frequently to his presence. Never been kinder to me. And alas. Never had I loved him so well (Bronte, p. 249). I've never had a boy in love with me in all my life. I've never been allowed even to see boys alone – except Percy (Fitzgerald, p. 48).

(3) аввалги ва охирга нуткий тузилмани never белгилайдиган билвосита кучайтириш:

I will never see him again as long as I live. Not even if he came and begged on his bended knees. Take him back. Never. (Maugham, 2, p. 139).

ХУЛОСАЛАР

1. Аниқлик, қатъийликни ифодаловчи воситалар орасида асосий ўринни қатъийликнинг туб семасига эга модал бирликлар эгаллайди; уларнинг асосий прагматик вазифаси пропозициянинг ҳаққонийлиги, ростлигини таъкидлаш ҳисобланади.

Мазкур туркумдаги модал бирликлари орасида қуйидаги мазмундаги гуруҳлар ажратилади: (1) сўзловчининг пропозиция ҳаққонийлигига ишончини ифодаловчилар; (2) сўзловчининг пропозиция шубҳасиз тўғрилигига ишончига ишора қилувчилар; (3) сўзловчининг пропозиция аниқлигига ишончини билдирувчилар.

2. Ажратилган модал бирликларининг ҳар бир гуруҳи бирликларнинг луғавий маъносидаги фарқларга асосланиб, таъкиднинг турли даражасини акс эттирувчи мезон шаклида намоён этилиши мумкин.

3. Мисоллар таҳлили гувоҳлик беришича, модал операторлар асосий гапдан тортиб махсус гапларгача турли грамматик мавқеъдаги бирликлар орқали ифодаланиши мумкин.

4. Аниқлик модал бирликлари, хабар берилаётган ахборот ҳаққонийлиги ва ростлигини кучайтиришдан ташқари, нуткий тузилма

прагматик мазмунига адресат пресуппозициясининг ҳақиқатлигини тасдиқлаш ёки инкор этиш каби қўшимча тусларни ҳам киритиши мумкин.

Ушбу турдаги операторлар қатъий эътироз, суҳбатдош фикрига қўшилиш, узил-кесил рад этиш, қатъий баҳолаш каби иккинчи даражали прагматик мазмунларни биринчи ўринга олиб чиқишга хизмат қилади.

5. Аниқлик модал бирликларининг мазмуни эгилувчан, улар ўзгариши ва категориаллик нуқтаи назаридан нейтрал бўлган миннатдорлик, оқлаш, тилак каби нутқий тузилмалар мазмунини кучайтириши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кверк Р., Гринбаум С., Лич Дж., Свартвик Я. Грамматика современного английского языка для университетов. 1982. — 391с.
2. Выготский, Л.С. Развитие речи и мышление. Педагогика, 1982.-Т.2.
3. Richard Walton. Grammar practice revised and updated. 1994.